

ТУРИСТИК ХУДУДЛАРДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация:

Кириш.

Жаҳонда глобаллашув шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий соҳа фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ йўналишларида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожланишининг реал сектор ишлаб чиқариш натижаларига ҳамда ижтимоий капиталнинг ўсиш суръатларига билвосита таъсири, аҳолига хизматлар кўрсатиш таркибидаги сифат ўзгаришлари, соҳани инновацион ривожлантиришнинг рақамли иқтисодиёт билан боғлиқлиги, инновацион ривожланиш усуллари татбиқ этишнинг хизматлар кўрсатиш соҳасига таъсирини прогноз баҳолашни такомиллаштириш кабилар бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари.

Мақолада илмий абстракциялаш, тизимли ёндашув, гравитация усули, кўп омилли регрессия, таҳлил, индукция ва дедукция, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Натижалар ва муҳокамалар.

Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш узок муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиш йўлига ўтказиши билан бир қаторда, глобал рақобатбардошлиги индексини яхшилаш имконини беради. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти юритувчи субъектларни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш бугунги кунда долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади.

Хулоса.

Фикримизча, юқорида келтирилган тартибда мамлакатимизда хизматлар кўрсатувчи фирмалар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмини шакллантириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

- хизматлар кўрсатувчи фирмалар фаолиятини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш;
- мамлакат ҳудудидаги ички ва ташқи туристик оқим ҳажмини ошириш;
- кўрсатилаётган хизматларнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви ва нархларининг мақбуллашуви;

Калит сўзлар:

инновацион усул, рақамли иқтисодиёт, инновацион инфратузилма, инновацион механизми, инновацион салоҳияти, иқтисодий самарадорлиги, инновация, ижтимоий капитал, йиллик даромад, сайёҳлик салоҳияти.

Кириш.

Жаҳонда глобаллашув шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий соҳа фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ

йўналишларида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожланишининг реал сектор ишлаб чиқариш натижаларига ҳамда ижтимоий капиталнинг ўсиш суръатларига билвосита таъсири, аҳолига хизматлар кўрсатиш таркибидаги сифат ўзгаришлари, соҳани инновацион ривожлантиришнинг рақамли иқтисодиёт билан боғлиқлиги, инновацион ривожланиш усуллари татбиқ этишнинг хизматлар кўрсатиш соҳасига таъсирини прогноз баҳолашни такомиллаштириш кабилар бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон тараққиёти даврида иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда хизматлар кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатдаги туристик салоҳиятни янада кучайтириш, янги ва истиқболли туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, замон талабларига мувофиқ келадиган туристик хизмат турларини йўлга қўйиш орқали соҳа тараққиётини жадаллаштириш чора-тадбирлари жорий этилмоқда. «Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. ...2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 млн. нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 млрд. АҚШ долл.га етказиш»¹ вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, хизматлар кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш услугиётини инновацион ўзгаришлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, хизматлар экспорти ҳажминини ошириш юзасидан турли сценарийларга асосланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқиш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни олиб бориш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 30 сентябрдаги ПФ-6318-сон «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот усуллари.

Мақолада илмий абстракциялаш, тизимли ёндашув, гравитация усули, кўп омилли регрессия, таҳлил, индукция ва дедукция, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

Натижалар ва муҳокамалар.

Жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш узоқ муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиш йўлига ўтказиши билан бир қаторда, глобал рақобатбардошлиги индексини яхшилаш имконини беради. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

юритувчи субъектларни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш бугунги кунда долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда бўлгани сингари, Ўзбекистонда ҳам инновацион ривожланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2020 йил 24 июлда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонунга мувофиқ, “инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма”¹ ҳисобланади. Мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларида янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият юритиш шакли инновацион фаолият сифатида белгиланган².

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатда инновацион фаолиятни ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар бўлиши талаб этилади. Хусусан, инновацион инфратузилманинг ҳолати ва унинг ривожланганлик даражаси бунда муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мамлакатимизда “инновацион инфратузилма – инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ахборот, консультатив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мулкчиликнинг исталган шаклидаги улар бирлашмаларининг мажмуи”³ дан ташкил топади.

Мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмини шакллантиришда аввало инновацион фаолиятнинг намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Н.И.Антипина тадқиқотлари натижаларига кўра, инновацион фаолият учун куйидаги хусусиятлар хос ҳисобланади:⁴

- илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорат фаолиятининг ўзаро мувофиқ ҳолатдаги мажмуавий бирлашуви;
- инновацион инфратузилмани шакллантириш, уни ривожлантириш, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга интилиш;
- янги турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, жумладан, уларни сотишда интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш;
- инновацияларни, жумладан, инновацион лойиҳаларнинг амалиётга жорий этишга тайёрлаш жараёнларининг узлуксизлиги;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, рақобат курашида устунликка эга бўлишга қаратилганлиги;
- инновацион жараёнларнинг мавжудлиги;
- инновацияларни яратиш, уларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-техник фаолият ва иқтисодий муносабатлар.

Хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш йўлига ўтказишда мазкур соҳада хўжалик фаолияти юритувчи иқтисодий субъектларнинг инновацион салоҳиятини аниқлаш лозим бўлади. Шунингдек, инновацион фаолиятнинг юқори самарадорликка эришиши ҳам бевосита инновацион салоҳият билан боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда инновацион салоҳиятни баҳолашнинг куйидагилар эътибор қаратилади:

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>

² Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>

³ Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>

⁴ Антипина Н. И. Управления инновационной деятельностью на мезоуровне: институциональный аспект: автореф. дисс. ... канд. экон. Наук. Кострома – 2014. 28 с.

- мамлакатнинг илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, технологик ташкилотлар, тажриба-ишлаб чиқариш объектлари, синов майдончалари, таълим муассасалари ва ушбу ташкилотларнинг кадрлари, техник курулланганлик даражасини ўзида акс эттирган илмий-техник салоҳияти;¹

- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган барча турдаги ресурсларга эгалик ҳолати;²

- жамият аъзолари (яъни истеъмолчилар), мамлакат иқтисодиёти, жумладан, миллий иқтисодиёт тармоқларида хўжалик фаолияти юритувчи барча турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, уларнинг илмий-техникавий, меҳнат, моддий-ресурс ва бошқа имкониятларининг инновацияларни амалиётга тадбиқ этишга тайёрлиги ҳолати ва унга мойиллиги даражаси;³

- инновацион фаолият иштирокчиларининг инновацияларни амалга ошириш учун тегишли вақт ва харажатларни сафарбар қилишга тайёрлиги, имкониятлари ва инновацион фаолиятни амалга ошириш механизми⁴.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи иқтисодий субъектларнинг инновацион салоҳияти уларда хизматлар кўрсатиш амалиётида илғор техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, хизматларнинг сифатини ошириш билан бир қаторда, илм-фан ютуқларидан ўз амалиётида фойдаланишга бўлган мойиллиги ва интилишини ўзида акс эттиради.

В. Иноземцев томонидан амалга оширилган тадқиқотларда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти кўйидагиларда ўз аксини топган:⁵

- инновацияларни кенг қўламда тадбиқ этишда турли ресурсларнинг концентратиялашувининг вужудга келиши;

- фан ва техниканинг ўзаро ривожланишини таъминлашда кооперациялашув жараёнини шакллантириш;

- инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичининг бозор сизимкорлиги кўрсаткичи билан узвий алоқадорлиги;

- иқтисодий субъектларнинг гипертрофияланган мустақиллиги ва изоляцияланганлиги натижасида технологиялардан оқилона фойдаланиш ҳолатларидаги бузилишлар вужудга келганлиги сабабли катта иқтисодий йўқотишларга олиб келиши;

- аксарият илмий-фундаментал тадқиқотларни тижоратлаштириш имкониятларининг мавжуд эмаслиги;

- хўжалик фаолияти юритувчи иқтисодий субъектлар учун аъанавий фаолиятдан тубдан фарқ қилувчи, фаолият юритишнинг янгича шаклига ўтишида қўшимча рағбатларни, молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларининг зарурияти ва ҳ.к.

Шу ўринда, хизматлар кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тараққий этган мамлакатлар амалиётини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тараққий этган мамлакатларда хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатлари ва уларнинг устувор йўналишларига хос хусусиятлар 2-иловада келтириб ўтилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон амалиётида хизматлар кўрсатиш соҳасининг инновацион фаолияти тўпланган билимларга асосланади. Бунда кўрсатилаётган хизматларнинг техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши натижасида эришилган ютуқ ва камчиликларни аввалги давр билан солиштириш лозим бўлади. Жумладан, туристик

¹ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 5-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2006, с. 235

² Ильенкова С. Д. Инновационный менеджмент: учеб. для вузов. М.: Юнити-Дана, 2003. С. 22-23

³ Мухамедьяров А. М. Инновационный менеджмент: учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2010. С. 30

⁴ Баранчев В. П. Управления инновациями: учеб. для бакалавров. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт, 2012. С. 18-19

⁵ Иноземцев В. Структурирование общественного производства в системе постиндустриальных координат (методолого-теоретические аспекты) // Российский экономический журнал. 1997. № 11 – 12. С. 59-68.

хизматларни ташкил этиш, уларни кўрсатиш шакллари, даромад ва харажатлар ўртасидаги нисбатан шулар жумласидандир. хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни тадбиқ этиш мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига, аҳолининг ижтимоий ҳолати, миллий қонунчилик, шунингдек, халқаро ва давлатлараро келишувларга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат ҳар бир мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш заруриятининг турли сабаб ва рағбатларга асосланганлигидан далолат беради.

Хусусан, В.С.Новиков томонидан амалга оширилган тадқиқотларда хизматлар кўрсатиш, жумладан, туризм соҳасини инновацион ривожлантириш бўйича ҳар қандай мамлакат учун хос бўлган қуйидаги хусусиятлар мавжудлиги аниқланган:¹

- аҳолининг бошқа ҳудудлардаги (бошқа вилоят ёки мамлакат) турмуш тарзи билан танишиш ва янги билимларни ўзлаштиришга бўлган иштиёқининг ортиши;
- анъанавий туристик саёҳат йўналишларига бўлган қизиқишнинг камайиб бориши билан бир қаторда, туристларнинг янги турдаги сифатли туристик хизматларга бўлган эҳтиёжларининг намоён бўлиши;
- туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали мамлакат ҳудудида ташқи ва ички туристик оқим ҳажмининг ортиши;
- туристик хизматлар бозорида рақобатнинг кучайиши;
- ҳар қандай туристнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш, унинг мароқли дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун етарли шарт-шароитларнинг (табиий-маданий хусусиятлар, дам олиш имкониятлари, муайян товар ва хизматларни сотиб олиш ва уларни истеъмол қилиш ва ҳ.к.) оптимал даражадаги комбинациялашувининг намоён бўлиши;
- миллий иқтисодиётда технологик инқилобнинг вужудга келиши ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ортиши;
- таклифга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимидан талабга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимига ўтиш.


Халқаро аҳамиятга молик бўлган Хизматлар савдосига оид Бош келишувга кўра (ГАТС), хизматлар кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятнинг ривожланиши қуйидаги уч йўналишда бўлиши мумкин:²

- инновацияларни корхона фаолиятига жорий этишни ташкиллаштиришни жадаллаштириш – бунда хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхонанинг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув тизимида хизматлар кўрсатиш бўйича бизнесни инновацион ривожлантириш билан боғлиқ бўлган янгиликларни жорий этиш, жумладан, янги техника ва илғор технологияларни корхона фаолиятига тадбиқ этиш орқали унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичини яхшилаш, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи фирма фаолиятини қайта ташкил этиш, бошқа корхона ва ташкилотлар билан инновацияларни ўзлаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйиш; хизматлар кўрсатиш соҳасида кадрлар сиётини такомиллаштириш (кадрлар таркибини янгилаш, уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ҳодимларни рағбатлантириш); оқилона иқтисодий ва молиявий фаолият юритиш (корхона фаолиятига оид ҳисоб-китобларни юритишнинг замонавий шаклига ўтиш, корхонанинг мавқеи ва ривожланиш кўрсаткичларининг барқарорлигини таъминлаш).
- инновацион маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш – мақсадли истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қамраб олиш, жумладан, маълум бир вақт мобайнида янги мижозларни корхона томонидан кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланишга жалб қилиш;
- даврий инновациялар (товар ва хизматлар шаклидаги инновациялар) – хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи фирма томонидан истеъмолчиларга нисбатан таклиф

¹ Новиков В.С. Инновации в туризме. М.: ИЦ “Академия”, 2007. – 208 с.

² Жаҳон савдо ташкилоти маълумотлари асосида (General Agreement on Trade in Services) https://www.wto.org/english/tratop_e/serv_e/gatsintr_e.htm

этилаётган хизматларнинг истеъмол хусусиятларини такомиллаштириш, уларни жойлаштириш орқали рақобатдаги устунликка эришиш.



1-расм. Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг инновацион механизмининг таркибий тузилиши¹

Амалга оширилган таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда, хизматлар кўрсатиш соҳасида инновацион фаолият янги турдаги хизматларни кўрсатиш, уларни такомиллаштириш, инновацион хизматлар кўрсатиш инфратузилмаси, жумладан, транспорт, овқатланиш, меҳмонхона ва бошқа хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, янги бозорларни ўзлаштириш, илғор ахборот-коммуникацион технологиялардан

¹ Муаллиф томонидан тузилган

фойдаланган ҳолда турфирмалар фаолиятининг ташкилий ва бошқаруви шакллари замонавий шакллари жорий этишни назарда тутди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инновацион сиёсатнинг асосий тамойиллари қуйидагиларда ўз аксини топади:¹

- инновацион фаолиятнинг эркинлиги;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан тенг фойдаланилишини таъминлаш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ошқоралиги ва аниқ йўналтирилганлиги;
- рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш;
- ахборотни эркин алмашиш;
- инновацион фаолият натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказмаслик.

Фикримизча, кейинги йилларда мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ўзбекистонни 2026 йилга қадар бўлган муддатда республика ҳудудларида кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини уч бараварга, туризм, транспорт, ахборот-коммуникация ва бошқа хизматлар экспорти ҳажмини 1,7 бараварга ошириш вазифаси белгиланганлигини² инобатга олган ҳолда, хизматлар кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмини шакллантириш лозим. Таклиф этилаётган механизм уч даражали бўлиб, бунда биринчи даража инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутса, иккинчи даража минтақавий ва учинчи даража республика миқёсида туризм соҳасини инновацион ривожланиш механизмини қамраб олади (1-расмга қаранг).

Биринчи даражада республика ва унинг ҳудудлари миқёсида хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш имконини берувчи инфратузилмани шакллантириш лозим бўлади. Мазкур инновацион инфратузилма таркибий жиҳатдан илмий-техник фаолият, илмий техник фаолият натижаларини амалиётда синовдан ўтказувчи марказлар, кичик ва ўрта бизнес шаклидаги туристик фирмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш марказларидан ташкил топиши лозим деб ҳисоблаймиз (2-расмга қаранг).

2-расмда таклиф этилаётган хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизми амал қилиши учун зарурий инфратузилма ва унинг таркибий тузилиши туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида барча турдаги туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг узвий такомиллаштириб борилиши, уларнинг номенклатурасини кенгайтириш, жумладан, кичик ва ўрта даражадаги хизматлар кўрсатувчи фирмалар фаолиятини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишда илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни молиялаштириш бўйича зарурий хизматларни кўрсатиш имконини беради. Бундай таркибга асосланган инфратузилма универсал аҳамият касб этган ҳолда ҳудудлар миқёсида хизматлар кўрсатиш турлари бўйича ихтисослашувдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудудда амал қилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизми амал қилишининг устидан ҳудудларда назоратни амалга ошириш учун хизматлар кўрсатишни инновацион ривожланишини назорат қилувчи инновацион марказлар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу турдаги марказлар таркибий жиҳатдан жамоатчилик ташкилотлари, туристик бизнес жамиятлари, молиявий ташкилотлар, ҳудудий бошқарув орқанлари, олий таълим муассасалари ва илмий марказлардан шакллантирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бундай таркибга асосланган ҳудудий инновацион марказлар республика

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>

вилоятлари кесимида хизматлар кўрсатиш фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ишлаб чиқиладиган инновацион хизматлар сифати ва уларнинг нархларини назорат қилиш билан бир қаторда, инновацион хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи фирмалар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади.



2-расм. Хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизми амал қилиши учун зарурий инфратузилма ва унинг таркибий тузилиши¹

Таклиф этиладиган хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмининг учинчи даражаси мамлакат миқёсида ушбу соҳани инновацион ривожлантиришнинг ҳуқуқий-институтцион асосларини шакллантириш, халқаро келишувларни амалга ошириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиши лозим. Шунингдек, хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган бюджетдан ташқари мақсадли фондни фаолиятини йўлга қўйиш орқали инновацион хизматлар кўрсатувчи фирмаларнинг фаолиятини мазкур фонд молиявий ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу фонднинг молиявий ресурсларини шакллантиришда халқаро молиявий ташкилотлар, донор мамлакатлар маблағларини жалб қилиш лозим.

Хулоса.

Фикримизча, юқорида келтирилган тартибда мамлакатимизда хизматлар кўрсатувчи фирмалар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмини шакллантириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

- хизматлар кўрсатувчи фирмалар фаолиятини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш;
- мамлакат ҳудудидаги ички ва ташқи туристик оқим ҳажмини ошириш;

¹ Муаллиф томонидан тузилган

- кўрсатилаётган хизматларнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви ва нархларининг мақбуллашуви;

- хизматлар кўрсатиш соҳаси, жумладан, мамлакатимизнинг миллий туризм индустриясининг глобал рақобатбардошлиги индексини яхшилаш;

- инновацион хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш ҳисобига соҳада яратилаётган қўшилган қиймат ҳажмини ошириш;

- хизматлар соҳасининг мамлакат ЯИМ таркибидаги улушини ошириш;

- юқори қўшилган қийматга эга бўлган инновацион хизматлар экспорти ҳажмини ошириш ва мамлакатга хорижий валюта оқимини кенгайтириш;

- янги турдаги инновацион хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ҳисобига уларнинг номенклатурасини кенгайтириш;

- хизматлар соҳасининг барқарор инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш ва ҳ.к.

Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш имкониятларини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосалар олинди:

- жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш узоқ муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиш йўлига ўтказиши билан бир қаторда, глобал рақобатбардошлиги индексини яхшилаш имконини беради.

- мамлакатимиздаги амалга қонунчиликка биноан, инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма ҳисобланади;

- мамлакатда инновацион фаолиятни ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар бўлиши талаб этилади. Хусусан, инновацион инфратузилманинг ҳолати ва унинг ривожланганлик даражаси бунда муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мамлакатимизда инновацион инфратузилма – инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ахборот, консултив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мулкчиликнинг исталган шаклидаги улар бирлашмаларининг мажмуидан ташкил топади;

- хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи иқтисодий субъектларнинг инновацион салоҳияти уларда хизматлар кўрсатиш амалиётида илғор техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, хизматларнинг сифатини ошириш билан бир қаторда, илм-фан ютуқларидан ўз амалиётида фойдаланишга бўлган мойиллиги ва интилишини ўзида акс эттиради;

- Халқаро аҳамиятга молик бўлган Хизматлар савдосига оид Бош келишувга кўра (ГАТС), хизматлар кўрсатиш бозорида инновацион фаолиятнинг ривожланиши қуйидаги уч йўналишда бўлиши мумкин: инновацияларни корхона фаолиятига жорий этишни ташкиллаштириш; инновацион маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш; даврий инновациялар (товар ва хизматлар шаклидаги инновациялар).

- узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз ЯИМ ҳажмида хизматлар кўрсатиш соҳасини улушини ошириш вазифаси белгиланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмининг шакллантириш лозим. Таклиф этилаётган механизм уч даражали бўлиб, бунда биринчи даража инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутса, иккинчи даража минтақавий ва учинчи даража республика миқёсида хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланиш механизмининг қамраб олади;

- хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизми амал қилиши учун зарурий инфратузилма ва унинг таркибий тузилиши хизматлар кўрсатиш соҳасида барча турдаги хизматларнинг узвий такомиллаштириб борилиши, инновацион хизматлар кўрсатиш орқали уларнинг номенклатурасини кенгайтириш, жумладан, кичик ва ўрта даражадаги хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи фирмалар фаолиятини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишда илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни

молиялаштириш бўйича зарурий хизматларни кўрсатиш имконини беради. Бундай таркибга асосланган инфратузилма универсал аҳамият касб этган ҳолда ҳудудлар микёсида инновацион хизматлар кўрсатиш турлари бўйича ихтисослашувдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳададда амал қилиши лозим деб ҳисоблаймиз;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>
5. Антипина Н. И. Управления инновационной деятельностью на мезоуровне: институциональный аспект: автореф. дисс. ... канд. экон. Наук. Кострома – 2014. 28 с.
6. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 5-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2006, с. 235
7. Ильенкова С. Д. Инновационный менеджмент: учеб. для вузов. М.: Юнити-Дана, 2003. С. 22-23
8. Мухамедьяров А. М. Инновационный менеджмент: учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2010. С. 30
9. Баранчев В. П. Управления инновациями: учеб. для бакалавров. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт, 2012. С. 18-19
10. Иноземцев В. Структурирование общественного производства в системе постиндустриальных координат (методолого-теоретические аспекты) // Российский экономический журнал. 1997. № 11 – 12. С. 59-68.
11. Новиков В.С. Инновации в туризме. М.: ИЦ “Академия”, 2007. – 208 с.
12. Жаҳон савдо ташкилоти маълумотлари асосида (General Agreement on Trade in Services) https://www.wto.org/english/tratop_e/serv_e/gatsintr_e.htm
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>